

ОМОНУЛЛАХОН – МУСТАҚИЛ АФҒОНИСТОН АСОСЧИСИ

МАННОНОВ АБДУРАҲИМ

Филология фанлари доктори, профессор, ТошДШИ

БҲРОНОВ СУҲРОБ

Тадқиқотчи, ТошДШИ

Аннотация. Мазкур мақолада Афғонистон мустақиллиги учун кураш олиб борилиши, мустақилликни қўлга киритилиши ва ундан сўнг амалга оширилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ислохотлар жараёнида афғон етакчиси Омонуллахоннинг ўрни ва роли тўғрисида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: “Ёш афғонлар ҳаракати”, инглиз-афғон урушлари, Равалпанди тинчлик шартномаси, ғозий, “Сирожул ахбор” газетаси, Ҳабибия лицейи, Мастурот мактаби, “Осиё Швейцарияси”.

Аннотация. В данной статье рассматривается роль Амануллы хана, афганского лидера в процессе борьбы за афганскую независимость, обретение свободы, политических, социальных, экономических и культурных реформ.

Опорные слова и выражения: «Движение Молодых афганцев», англо-афганские войны, мирный договор Равалпинди, гази, «Сарадж-уль Ахбар», лицей Хабибия, школа Мастурата, «Азиатская Швейцария».

Abstract. The role of Amanullah Khan, the Afghan leader in process of fighting for Afghan independence, gaining freedom and political, social, economical and cultural reforms is studied in this article.

Keywords and expressions: “Afghan Youth movement”, Anglo-afghan wars, Treaty of Rawalpindi, ghazi, “Siroj-ul-Akhbar”, Habibiya lyceum, Masturat school, “Asian Switzerland”.

Афғонистон XIX асрнинг ўрталаридан – XX асрнинг бошларига қадар бўлган суронли даврда ўз мустақиллиги учун тинимсиз кураш олиб борди ва ғалабага эришди. Афғонистонда мустақилликнинг ўрнатилиши ва уни мустақамлаш учун бўлган курашларда Омонуллахоннинг хизматлари ниҳоятда улкан эканини қайд этиш жоиз.

Омонуллахон 1892 йил 1 июнида Афғонистоннинг Пағмон шаҳрида таваллуд топган. Омонуллахон афғон амири Ҳабибуллахоннинг учинчи ўғли бўлиб, отаси ҳукмронлиги даврида Кобул шаҳри губернатори этиб тайинланган эди. Бу Омонуллахонга давлат хазинаси, пойтахт гарнизони ва қурола-аслаларини Омонуллахон (1919–1929) ўз тасарруфида ушлаш имконини тақдим этган эди. 1919 йил 20 февралда амир Ҳабибуллахон ов қилинадиган қароргоҳида бошига ўқ узилган ҳолда топилгач, Омонуллахон айнан пойтахт гарнизони мадади билан 1919

йил 21 февралда Афғонистон амири деб эълон қилинади. Қолаверса, Омонуллахоннинг сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишида унинг Афғонистонда замонавий ислохотлар тарафдори ҳисобланган “Ёш афғонлар ҳаракати”нинг сиёсий намояндаларидан бири эканлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Омонуллахон ўз



хукмронлигининг дастлабки кунларида, яъни 1919 йил 28 февралда халққа қуйидагича му-рожаат қилган эди: “Афғонистон озод ва мус-тақил бўлиши керак, у бошқа суверен давлат-лар эга бўлган барча ҳуқуқлардан фойдалани-ши лозим”¹. Шубҳасиз, Омонуллахоннинг мамлакат кўшинлари ва “Ёш афғонлар ҳара-кати” томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланиши Афғонистонни мустақилликка эришиши учун барча кураш йўллари очиб берди.

Мазкур даврда Афғонистоннинг ташқи сиёсати Буюк Британия таъсири ва назорати остида эди. Шу боисдан Омонуллахоннинг мустақиллик йўлидаги дастлабки вазифаси Афғонистонни ташқи сиёсий қарамликдан тўлиқ халос этиш бўлган. 1919 йил 3 мартда Омонуллахон Британия Ҳиндистони вице қиролига Афғонистонни тўлиқ мустақилли-гини тан олиш масаласида инглиз-афғон му-носабатларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи хат жўнатади. Хатда шундай дейил-ган эди: “Шуни маълум қилишни истардим-ки, бизнинг озод ва мустақил ҳукуматимиз Буюк Британия ҳукумати билан тижорат масаласида ҳар иккала ҳукумат учун қулай ва фойдали бўлган шартнома ва келишув-ларни исталган вақтда тузишга тайёр”². Табиийки, янги афғон амирининг бундай сиёсати Британия ҳукуматини салбий жавоб қайтаришга ундади. Бундан ташқари, Брита-ния Ҳиндистонида миллий озодлик ҳаракат-лари авж ола бошлагани ва бу кўп жихатдан Афғонистондаги озодлик кураши тарғибот-лари билан боғлиқ эканлиги Британия импе-рияси хавотири ошишига сабаб бўлди. Оқи-батда, Афғонистоннинг шарқий ва жанубий чегараларида инглиз кўшинларининг фаол-лашуви кучая бошлади. 1919 йил 3 майда эса инглизлар Афғонистон ҳудудига ўз кўшин-ларини киритди ва шу тариқа учинчи инглиз-афғон уруши бошланди. Британия Ҳиндис-

тонининг 340 минг кишилик қўшини Афғо-нистоннинг 50 минг кишилик армиясига қар-ши муваффақиятга эриша олмади. Барча инглиз-афғон урушларида афғон халқининг буюк жасорати ва матонати, ўз мустақиллиги учун бўлган кураши туфайли охир-оқибатда мустамлакачилик тарихида бирор марта мағлуб бўлмаган қудратли давлат “буюк чекиниш” қилишга мажбур бўлди. 1919 йил 8 августда Ҳиндистон ҳукумати ташқи иш-лар котиби Ҳамилтон Грант ва Афғонистон ички ишлар комиссари Али Аҳмад Хон томонидан Равалпанди тинчлик шартномаси имзоланди. Шартнома Афғонистонни ички ва ташқи алоқаларда расман мустақил бў-лиши учун имкон яратди. Шартноманинг биринчи моддасида қуйидагича таъкидла-нади: “Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир томондан, Британия ҳукумати, бошқа томондан, Афғонистон ҳукумати ўр-тасида тинчлик амал қилади”³. Шу тариқа, бундан қарийб бир аср илгари, яъни 1919 йилнинг 19 августидан Афғонистон ўз муста-қиллигини қўлга киритди.

Равалпандида дастлабки шартнома имзо-ланганидан сўнг Омонуллахон ҳамма жойда тўлиқ тантана билан қарши олинди. Турк ха-лифалигининг заифлашуви шароитида бутун мусулмон оламида Омонуллахоннинг мавқеи кўтарилиб унга мусулмонлар орасида етакчи сифатида қарай бошланди. Шу сабабдан унга “ғозий”⁴ (“ғолиб”) унвони берилди.

Мустақилликни қўлга киритилиши Афғо-нистонга сиёсий, иқтисодий ва маданий ри-вожланиш йўллари очиб берди. Омонул-лахон мустақилликдан сўнг асосий эътиборни ички ва ташқи сиёсатда кенг қўламли ис-лохотларни йўлга қўйишга қаратди.

³ میر غلام محمد غبار. افغانستان در مسیر تاریخ. — کابل، ۱۳۶۸. — ص. ۷۷۴.

(Мир Фулом Мухаммад Ғубор. Афғонистон дар масире тарих. — Кобул, 1368. — С. 774.)

Мир Фулом Мухаммад Ғубор. Афғонистон тарих йўлида. — Кобул, 1989. — Б. 774.

⁴ Ислом динида ҳақ дини учун курашиб ғалаба қозонган жангчи ғозий деб аталган.

¹ Массон В. М., Ромодин В. А. История Афганистана. Т. II. Афганистан в новое время. — М.: Наука, 1965. — С. 373.

² Коргун В. Г. История Афганистана. XX век. — М.: Крафт, 2004. — С. 60.



1919 йил 8 августда Равалпандида тинчлик шартномасини имзолаш юзасидан Сардор Али Аҳмад Хон бошчилигидаги афғон тинчлик делегациясининг жаноб Ҳамилтон Грант билан учрашуви. Манба: Миллий армия музейи, Лондон

Мустақилликни қўлга киритилиши Афғонистонга сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш йўлларини очиб берди. Омонуллахон мустақилликдан сўнг асосий эътиборни ички ва ташқи сиёсатда кенг қўламли ислохотларни йўлга қўйишга қаратди.

Омонуллахон ташқи сиёсатда Британия империяси билан муносабатлар совуқлашгач, табиийки Россия билан мустаҳкам ҳамкорликни амалга оширишга киришди. Қайд этиш жоизки, айнан Россия Афғонистон мустақиллиги расман эълон қилинишидан анча аввал, яъни 1919 йил 28 мартда Афғонистон мустақиллигини дунёда биринчи бўлиб тан олган давлат эди. Афғон тарихшунос олими Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор ўзининг “Афғонистон тарих йўлида” номли китобида Афғонистон ва Россия муносабатлари дўстона ва самимий бўлганлиги ва 1921 йил 28 февралда икки давлат ўртасида дўстлик шартномаси имзоланганини ёзиб қолдирган. Шунингдек, тарихшунос олимнинг қайд эти-

шича, Омонуллахон Туркия, Эрон, Хитой, Япония, Швеция, Польша, Либерия давлатлари билан ҳамкорлик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзолади. Омонуллахон Европанинг етакчи давлатлари – Италия билан 1921 йил 3 июнда, Франция билан 1922 йил 28 апрелда сиёсий муносабатлар ўрнатишга доир бир қатор шартномалар тузди¹. Ташқи сиёсатда йўлга қўйилган ўзгаришлар Афғонистон ташқи алоқалари истикболининг кучайиши, мамлакат иқтисодий ва ички сиёсий ҳаётида янги ўзгаришларни ўтказиш, айниқса, Афғонистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузини кўтаришига йўл очиб берди².

¹ میر غلام محمد غبار. افغانستان در مسیر تاریخ. – کابل، ۱۳۶۸. – ص. ۷۷۷.

(Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор. Афғонистон дар масире тарих. – Кобул, 1368. – С. 777.)

Мир Ғулом Муҳаммад Ғубор. Афғонистон тарих йўлида. – Кобул, 1989. – Б. 777.

² Ганковский Ю. В. История Афганистана с древнейших времен до наших дней. – М.: Мысль, 1982. – С. 229.

Омонуллахон ички сиёсатдаги ислохотларида биринчи навбатда Афғонистон учун юридик жиҳатдан барча воситаларни ишлаб чиқиши лозим эди. Афғонистон тарихида муҳим ва ўчмас из қолдирган ана шундай ислохотлардан бири 1923 йилда дастлабки бор мамлакат конституциясининг қабул қилиниши эди. Ушбу конституция “Афғонистон Олий Давлатининг Асосий Низоми” (*“Незомномайе асосийе давлате алеййе Афғонестон”*) деб номланди. Асосий Қонун асосида амир қошида маслаҳат органи – Давлат кенгаши, умумафғон қабилалари ва мусулмон оқсоқоллари йиғини – Лўя Жирга, ижро этувчи ҳокимият мансабдорлари кенгаши – Дурбори Али ташкил этилди. Конституция нафақат ижро этувчи ҳокимиятни янги ва замонавий шаклини олиб кирди, балки монархияни ҳам ўзида сақлаб қолди. Конституциянинг 1-моддаси монарх ҳокимияти остида ички ва ташқи ишларда мамлакатнинг мустақиллиги, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини амалда тасдиқлади. 2-моддада давлат дини ислом эканлиги, лекин бошқа динларнинг ҳам эркинлиги кафолатланиши қайд этилади. Конституциянинг 10-моддаси алоҳида эътиборга молик. Унда қуллик бекор қилиниши, Афғонистонда яшовчи барча кишилар диний ёки этник мансублигидан қатъи назар, тенг эканлиги ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари кафолатланиши маълум қилинади¹. Айни шу модда орқали ким афғон эканлиги борасидаги ўтқир муаммога аниқ ечим топилади. Боиси ўша пайтгача афғонлар дейилганда фақат пуштунлар назарда тутилган. Афғон олими Муҳаммад Иброҳим Атоийнинг қайд

этишича, Омонуллахон демократик ислохотларни амалга оширган давлатлар сингари давлат бошқарув тизимида бир қанча ўзгаришларни йўлга қўйди. У мамлакатни тўлиқ ваколатларга эга ҳокимлари бўлган беш вилоятга ҳамда тўртта олий ҳукуматга тақсимлади. Бу тақсимот қуйидагича ташкил топган эди: 1) Кобул вилояти; 2) Қандаҳор вилояти; 3) Ҳирот вилояти; 4) Балх вилояти; 5) Бадахшон вилояти. Вилоятлар бошқаруви уч тамоийил, яъни *бошқарувни номарказлашуви, вазифа ва жавобгарликни шаффофлиги, ваколатларни шаффофлиги* тамоийиллари асосида ўрнатилди². Шу жиҳатдан алоҳида таъкидлаш мумкинки, Омонуллахон Афғонистонни ўз даври учун мукамал сиёсий тизимга ўтишида муҳим роль ўйнади.

Омонуллахон ҳукумати ислохотларининг асосий қисмини иқтисодий ўзгаришлар жараёни ҳам ташкил этди. Афғонистон ушбу даврда аграр давлат мақомида эди. Шу сабабдан дастлабки иқтисодий ислохотлар айнан мазкур йўналишда бошланди. 1920 йилда маҳсулот солиғини пул шаклидаги солиққа алмаштиришни назарда тутувчи “Ерга солиқ тўлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Бу товар-пул муносабатлари жараёнини тезлаштирди. 1923 йилда эса барча чорва моллари ва бошқа қўшимча солиқларни бир хил шаклга келтирувчи “Чорва тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1923 йилда эса “Лалми ерлардаги деҳқончилик тўғрисида”ги Қонун ва “Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди³. Мазкур даврдаги ислохотлар эволюциясининг намоён бўлишида қишлоқлардаги ижтимоий муносабатлар тизимини белгиловчи 1924 йилда

¹ قوانین اساسی افغانستان (۱۳۰۱-۱۳۸۲) هجری شمسی. وزارت عدلیه جمهوری اسلامی افغانستان. – کابل، ۱۳۹۲. ص. ۱۵-۱۹.

(Қавонине Асосийе Афғонистон (1301–1382) ҳеҷри шамсий. Везороте адлеяйе ҷумҳурийе исломийе Афғонистон. – Кобул, 1392. – С. 15–19).

Афғонистон Конституциялари (1923–2004). Афғонистон Ислом Республикаси Адлия вазирлиги. – Кобул, 2014. – Б. 15–19.

² محمد ابراهيم عطايي. تاريخ معاصر افغانستان. – کابل، ۱۳۸۹. ص. ۱۰۰.

(Муҳаммад Иброҳим Атоий. Тарихе муосере Афғонистон. – Кобул, 1389. – С. 100.)

Муҳаммад Иброҳим Атоий. Афғонистоннинг замонавий тарихи. – Кобул, 2010. – Б. 100.

³ Мохаммад Доуд. Законодательные акты эмира Амануллы-хана как исторический источник (1919–1929). Автореф. дисс. канд. ист. наук. – М., 1995. – С. 11.

